# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил — Обод турмуш йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 11-YANVAR, JUMA, 5 (8086)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

**Лойиҳа амалга оширилиши натижасида 191,3 минг гектар майдонда сув таъминоти яхшиланади. Ҳар йили 700-860 миллион метр куб сув иқтисод қилинади. Каналлардан фильтрация камайиши натижасида ер ости сувлари сатҳи пасайиб, 100 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.**

2

**...“Ўзбекистонда энергиятежамкор иссиқхоналар апробацияси ва адаптацияси” деб номланган лойиҳа ташаббускори Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси бўлиб, у БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистон бизнес форуми” ва Глобал экологик фондининг кичик грантлар дастури ёрдамида амалга оширилмоқда.**

3

**Маълумки, олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказиладиган “Универсиада” баҳсларига бу йил Бухоро вилояти мезбонлик қилади. Шу муносабат билан вилоятда катта спорт байрамига қизғин тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.**

4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва мамлакат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Ахмедов Суннатила Маматалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Кувватов Рустам Мамарасулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Кутлимуратов Илхам Мадиярович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Нарзиев Акрамжон Хамдамович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Пардаев Хусанали Анарбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг бошқарма бошлиғи

**Сайфудинов Зокиржон Эркинбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Ким Инесса Коминтерновна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти кафедра профессори

**«МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдурахмонов Абдували Абдубаннобович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Кучкаров Музаффар Махмудович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг чегара пости бошлиғи

**Кўчкаров Мухаммаджон Махмудович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Норов Учкунжон Хамдамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Раджабов Тимур Шавкатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Саидов Нуриддин Хамидович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Султонов Марат Акрамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Умаров Бахронқул Суюнқулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Бадалбаев Хасан Махкамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Баймурзаев Даврон Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг чегара пости бошлиғининг ўринбосари

**Джураев Элбек Акрамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг гуруҳ йўриқчиси

**Зоиров Алишер Тураевич** — Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси гуруҳ командири

**Идрисов Жамшиджон Журакулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг чегара пости бошлиғи ёрдамчиси

**Қабулов Куанишбай Жалгашович** — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

**Касимов Мирзокир Джураваевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Маматкулов Аббасхон Бахтиярович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Контрабандага қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Мансуров Шерали Маматкобилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Менгнаров Зиядулла Ашурович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мирзабаев Тўлқинбай Исраилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мирзаев Абдулносир Назиржанович** — Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

**Мирзаев Бобомурад Давранбаевич** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

**Мусаев Рахмонали Жумаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Омонов Жалолбек Нейматович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Орипов Жасурбек Бегмуротович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Отохонов Абдулазиз Мусаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Охунов Элмурод Мадаминович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг назоратчиси

**Пардаев Рахмиддин Нуруллоевич** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси тезкор вакили

**Расулов Азиз Чориевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Расулов Жалолиддин Орзикулович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг бўлим бошлиғи

**Расулов Шухрат Уткирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг бўлинма бошлиғи

**Сариев Улуғбек Мавланович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штаби район бошлиғининг ўринбосари

**Сиддиков Рустам Хасанбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Темиров Эркинжон Нормуродович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штаби взвод командирининг ёрдамчиси

**Тураев Алимардон Дусчанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

(Давоми 2-саҳифада)

Қашқадарё Вилояти

## ФАРОВОН ТУРМУШ АСОСИ

Қарши шаҳрида яшовчи Тошмурза ака Йўлдошев Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти доценти. Хонадон бекаси Фазилат опа эса Қарши шаҳридаги 11-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Улар фаровон турмуш асосини ҳалол меҳнатда, деб биладилар. Уч ўғли олий маълумотли. Оиладаги уч келин ҳам педагог.

Тошмурза ака педагогик ишидан ташқари деҳқончиликка қизиқади. Бу қизиқиш уни олти сотих майдонда иссиқхона ташкил этишга ундади. Шу боис, оила аъзолари бўш вақтини иссиқхонада, лимон, помидор ва бодринг парваришлаш билан ўтказади. Бу эса оилага ҳар йили камида 10-15 миллион сўм қўшимча даромад олиш имконини бермоқда.

**СУРАТДА:** *Тошмурза Йўлдошев турмуш ўртоғи Фазилат Эргашева, ўғли Нуриддин, келини Ҳилола ва набираси Моҳинур билан.*

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

Жиззах Вилояти

▼ 14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

## МАРД ЛОЧИНЛАР ЧИҚАР БУ МАСКАНДАН

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти ўқитувчи ва мураббийларига Ватан ҳимоячилари байрами арафасида собиқ курсантлардан даста-даста табрик хатлари келиши одат тусига кирган. Қутловларни олган устозлар, аввало, шогирдларининг ҳарбий ҳаво кучлари сафларида соғ-саломат ва муваффақиятли хизмат қилаётганларидан шодланишса, қутлов номаларидаги самимий илиқ изҳорлардан қалблари фахру ғурурга тўлади.**

*Республика “Оила” илмий-амалий марказининг Жиззах вилояти бўлими раҳбари Фароғат Сатторова ва “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими раис ўринбосари Баҳром Жўраевлар билим юрти курсантлари билан.*

— Меҳр-оқибатли, ўз касбига садоқатли шогирдларимиз жуда кўп, — дейди билим юртининг катта ўқитувчиси Ваҳобжон Абдуназаров. Қўлидаги хатни очар экан. — Улар яхши хизмат қилишлари билан бирга, хатлари орқали хизматлари ҳақида бизни хабардор қилиб, кўнгилларимизни хотиржам этиб туришади. Мана бу табрикни айни пайтда Фарғонада хизмат қилаётган зобит шогирдимиз Исобек Элмуродов йўллабди. У аълочи курсантларимиздан эди. Даставвал, Бухорода мана, икки йилдирки, Фарғонада хизмат қиляпти. Бундай шогирдларимиз жуда кўп. Ахир, ўн беш йилдан буён минглаб ҳаво лочинларини учирма қилдик-да! Ҳали Ватан ҳимоячилари байрамидан сўнг ҳам бунақанги қутловлардан кўпи келади. Айни пайтда юртимизнинг қай бир ҳарбий ҳаво кучлари бўлинмасига борманг, бизнинг собиқ курсантларимизни — малакали зобитларни учратасиз. Шу нуқтаи назардан, билим юртимизни мардона касблар кошонаси, дегим келади. Биз бундан беҳад фахрланамиз. Юртбошимизнинг 1994 йилда билим юртимизни ташкил этишдан кўзлаган мақсади миллий армиямизнинг ҳарбий ҳаво кучлари сафлари учун юксак интеллектуал салоҳиятли, етук билимли, ташаббускор ва изланувчан зобитлар етказиб беришни таъминлаш эди.

(Давоми 2-саҳифада)

## ҲАРБИЙ ХИЗМАТ – ЖАСОРАТ ВА МАРДЛИК МАКТАБИ

**Сардор Тўлаганов болалигидаёқ ҳарбий бўлишни, аскарлик либоси кийишни орзу қилар эди. Унинг орзуси ушалди. 2007 йилда Сардор тенгдошлари қатори замонавий, ҳаракатчан, пухта тайёргарликка эга, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир миллий армиямизда йигитлик бурчини адо этишга киришди.**

Тошкент шаҳрида туғилиб, катта бўлган Сардорга Қашқадарё вилоятида хизмат вазифасини адо этиш осон кечмади. Аммо тиришқоқлиги, ўзига жуда талабчанлиги, умумҳарбий низомларни ўзлаштириши, машғулотларда фаоллиги боис, сафдошлари орасида етакчилардан бирига айланди. Ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиши, ўз бурчига садоқати, топширилган вазифаларни вақтида адо этиши билан командирларнинг эътиборига тушди, уларнинг ишончини қозонди. Ҳарбийлик сирларини астойдил ўрганишга бел боғлаган Сардор хизматни ўташ чоғида бир қатор юқори натижаларга эришди. Жумладан, ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан ўтказилган спорт мусобақалари ва тадбирларда фаоллиги, қурол-аслаҳалар билан ишлаш ўқувмашғулотларида кўрсатган ижобий натижалари учун “Ҳарбий спортчи”, “Жанговар тайёргарлик аълочиси”, “Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси” кўкрак нишонларига лойиқ топилди. Бу рағбатлар Сардорни Ватани, яқинлари, эл-юрт олдидаги шарафли бурчини жасорат кўрсатиб садоқат билан бажаришга руҳлантирди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЮКСАЛИШ ҚАДАМЛАРИ

## Уйчида уй тўйлари

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ** Уйчи туманидаги Тепасарой қишлоғида 15 та намунавий лойиҳадаги замонавий уйлар ўз эгаларига топширилди. Бунда Гофуржон Сулаймонов бошчилигидаги “10-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма”, “Стандарт” масъулияти чекланган жамияти ҳамда “Олмос-Уйчи” хусусий корхонаси қурувчилари жонбозлик кўрсатишди.

— Янги йилни янги уйда кутиб олдик, — дейди Нозиржон Ризабоев. — Бундан барчамизнинг дилимиз шод, кўнглимиз обод бўлди. Ҳозирда маҳалламизда уй тўйлари ўтказилмоқда.

Жорий йилда ҳам туманда ана шундай 53 та тураржой бинолари қурилиши кўзда тутилган.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ**

## Нуротада янги корхона

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ** Нурота туманида фаолият кўрсата бошлаган “Нурота текстиль” масъулияти чекланган жамиятида 100 нафардан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги корхонани барпо этиш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун 600 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Унинг 144 миллион сўмини банк кредитлари ташкил этди.

Япония ва Хитой технологиялари жорий этилган корхона йилига 2,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Эндиликда бу ерда Германия технологияси асосида ҳам мато ишлаб чиқариш, маҳсулотларни экспортга чиқариш мақсадида иш олиб бориляпти.

**Абдурасул САТТОРОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

**Турсунов Шерали Нарзуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Улмасов Ганижон Набижонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Формонов Обиджон Ахмедович** — Самарқанд вилояти Нарпай тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Хайтматов Жамолиддин Хакимович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

**Халилов Санжар Каршибаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ходжаев Хурсандбек Шарипович** — Хоразм вилояти Хива тумани ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

**Ходжаев Эргаш Юлдашевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг гуруҳ бошлиғи

**Холикулов Шерзод Шодиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шорахимов Фирдавс Хакимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эркабаев Акмалжон Джурабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Юнусов Ортиқ Вагиз ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юсупов Бойбури Дускобилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Янгиев Аброр Поёнович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг гуруҳ бошлиғи

**Холикулов Шерзод Шодиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шорахимов Фирдавс Хакимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эркабаев Акмалжон Джурабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Юнусов Ортиқ Вагиз ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юсупов Бойбури Дускобилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Янгиев Аброр Поёнович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг гуруҳ мутахассиси

**«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдувалиев Низомиддин Мамаражабович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Аллаяров Отабек Равшанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Арипов Ризокул Сайиткулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бирлашма бошқарма бошлиғи

**Асатов Акбар Ахрорович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ бошлиғи

**Ахадов Акбар Арзиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Ачилов Нурали Давранович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Байчаев Мурад Бахоралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги «Қамчик» қидирув-қутқарув отряди йўриқчи-қутқарувчиси

**Бегимкулов Одил Абдурашитович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг гуруҳ командирининг ўринбосари

**Бердиев Улаш Курбанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Бозоров Атхамжон Салижонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта механиги

**Ботиров Зайнобиддин Серобиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Гутарев Александр Семенович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бўлим бошлиғи

**Жиянбаев Ойбек Мусулманович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Ибрагимов Ойбек Мирзаибрагимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Иногамов Фахритдин Купаевич** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бўлим бошлиғи

**Исамов Исмоил Собирович** — Наманган вилояти Косонсой тумани ички ишлар бўлими ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси бошлиғи

**Кадиров Джамалиддин Жаббаркулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Каримов Азамат Очилбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Каримов Давронбек Реимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бирлашма хизмат бошлиғи

**Кахрамонов Зариф Туфлиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

**Мирзаев Мирағзам Ахатович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Миррахимов Мирали Махмутжонович** — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

**Намазов Олимжон Назарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Ниязимбетов Содик Кенгашбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Нормурадов Абдуназар Жураевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби йўриқчиси

**Нуритдинов Фарход Сайфутдинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Расулов Асрор Мирзахматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Рахимов Сарвар Сапарбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Рахманкулов Акмал Бердикулович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси кафедра бошлиғининг ўринбосари

**Солиев Нодир Нуридинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Сулаймонов Бехзод Боходиржонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмат бошлиғининг ўринбосари

**Тажибоев Дилшодбек Дилмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти гуруҳ командири

**Темирханов Байрамбай Жолдасбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Тошев Одил Зойирович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм взвод командири

**Тўхтаев Алишер Хакимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Утаев Анвар Гуччиевич** — Навоий ҳарбий прокурори

**Халимов Тимур Владимирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Хасанов Джамшед Абдугафарович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби бош бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Хатамов Ахроржон Валижонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Хван Виктор Иванович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма участка бошлиғи

**Шакаримов Александр Шухратович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эгамбердиев Дилшод Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод мутахассиси

**Эшматов Азизбек Абдукодирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм отряди катта техниги

**Эшонов Муродхўжа Ахмадович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юлдашев Хаётжон Улмасжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Юлдашев Шокиржон Юсуфжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Юлдашев Шухрат Исмаилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бирлашма хизмат бошлиғи

**Якубов Равшан Нуржанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлинма бошлиғининг ўринбосари

**Ярцев Олег Владимирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдураимова Шахидахон Мирджалиловна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти кафедра доценти

**Атаджанова Лобар Шавкатбековна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби цикл бошлиғи

**Ахмедов Файзулло Шохобович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Балашова Галина Абдурахмановна** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси кафедра мудири

**Карпушев Рафаат Равильевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта техниги

**Клиновой Виталий Алексеевич** — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

**Мамадалиев Жўрақул** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Қарши ҳарбий госпиталининг шифокор-жарроҳи

**Мамаджанов Акмалжон Абдумуталович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм отряди катта механиги

**Матвеева Антонина Ивановна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Термиз ҳарбий госпиталининг бош ҳамшираси

**Матякубов Расулбек Сабирович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Махсудов Бобир Эламонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Менгноров Абдимумин Усанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг назоратчиси

**Мурзаев Баходир Сабирович** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Хоразм вилоят Кенгаши раисининг ўринбосари

**Нарзиев Михаил Вячеславович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Орзиев Собиржон Кузибоевич** — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси

**Ризамухамедов Обид Тохирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Салихов Шовкат Саньатович** — Давлат божхона қўмитасининг Тошкент шаҳар божхона бошқармаси божхона текширувлари ва суриштирув бўлими бошлиғи

**Узакбаев Сафарали Тургунович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта техниги

**Хайдаров Альберт Каршиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Хакимов Бектош Холдорович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Халимов Мирзохид Зарипович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси патрульпост хизмати батальони отряд командири

**Хашимова Динора Фазиловна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби кафедра бошлиғининг ўринбосари

**Худойберганов Дилшоджон Хусанбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Ҳўжамуротов Анвар Ботирович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги "Қўриқлаш" бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Юсубов Давлет Абдушарипович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси кафедра бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2013 йил 10 январь*

○ **14 январь – Ватан ҳимоячилари куни**

Тошкент Вилояти

*Бир пайтлар онамнинг кўзида ёш, кўнглида алланечук ҳадик билан акамни ҳарбий хизматга кузатгани кўз ўнгимдан кетмайди. Чунки ўша вақтларда йигитлар ҳарбий хизматни Ўзбекистондан анча олис юртлардаги ҳарбий қисмларда ўтар эди. Баъзи бирлари эса иложи борича ҳарбий хизматга бормасликка ҳаракат қиларди.*

## ФАРЗАНДЛАРИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Мустақиллик шарофати билан юртимиз ўз армиясига эга бўлди. Ҳозирда фарзандларимиз йигитлик бурчини шу ернинг ўзида адо этишяпти. Ҳеч бир она аввалгидек юрагини юлиб эмас, балки ўз фарзандини кўнгли тўқ бўлиб хизматга кузатяпти. Менинг ўғилларим ҳам тенгдошлари қатори муддатли ҳарбий хизматни Фарғонада, Бухорода ўтаб қайтди. Катта ўғлим Камолиддин хизматдалигида уйимизга "Ташаккурнома" келган кундаги хурсандчиликни таърифлашим мушкул. Бугун фарзанди туфайли бундай эътиборга лойиқ топилган ота-оналар орамизда жуда кўпчиликни ташкил этади. Ҳарбий хизматда аскарларга олий ўқув юртида ўқишга кириши учун тавсияномалар берилаётганини айтмайсизми?! Ана шу тавсиянома имтиёзи билан иккала ўғлим ҳам олий ўқув юртида таҳсил олди. Ўқиш жараёнларида тўлов-шартномаларининг маълум миқдори "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказиб берилди.

Бугун фарзандларим эл-юрт корига яраб, Ватан ҳимоячиси бўлганидан ниҳоятда фахрланаман. Катта ўғлим Камолиддин ҳозирда Ички ишлар тизимида фаолият олиб бормоқда. Иккинчи ўғлим Самариддин ҳам ҳарбийликни танлаган. Учинчи ўғлим Шаҳобиддин ҳам ўқишни тамомлаб, акаларининг йўлини тутиб, ҳарбий бўлиш ниятида ҳаракат қиляпти. Мен ўғилларим мисолида ҳар бир ўзбек ўғлонининг бугун ҳарбий хизматга, қолаверса, ҳарбий хизматни ўташга бўлган интилишини, Ватани, яқинлари олдидаги шарафли бурчини оқлаш йўлидаги жасоратини кўраман.

**Шоира ТУРҒУНБОЕВА**

*Паркент тумани Ҳисорак қишлоғи*

# ҲАРБИЙ ХИЗМАТ – ЖАСОРАТ ВА МАРДЛИК МАКТАБИ

(Боши 1-саҳифада)

Бу борада бугун ҳарбий қисмларда аскарлар учун яратилган қатор қулайликлар, қолаверса, маънавий қўллаб-қувватлашнинг йўлга қўйилгани хизматнинг сифат ва самарадорлигини ошишига муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаш жоиз.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Сардор Тўлаганов хизмат даврида олий ўқув юртига кириш учун имтиёзли тавсияномани ҳам қўлга киритди. Йигитлик бурчини аъло даражада ўтаб, ота-онаси ва яқинлари ёнига ёруғ юз билан қайтди.

— Ватан ҳимояси энг шарафли бурч эканлигини муддатли ҳарбий хизмат даврида янада теранроқ англадим, — дейди Сардор Тўлаганов. — Қисмимизда ўқув-машғулотлари ҳар жиҳатдан мукаммал олиб борилар эди. Шу маънода ҳарбий хизмат менга жасорат ва садоқат мактаби бўлди.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Эзгу мақсадлари сари изланиш ва интилишдан толмайдиган Сардор 2009 йил Тошкент автомобиль йўллар институтига ҳужжат топшириб, талаба бўлди. Олий даргоҳда ҳам ўзининг зукколиги, билим уфқининг кенглиги билан қаҳрамонимиз устозларининг эътиборига тушди. Таҳсил олиш жараёнида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг етакчисига айланди. Ҳарбийлик сирларини ўрганишга бўлган қизиқиши сабаб, олий ўқув юрти қошидаги ҳарбий кафедрада ҳам таҳсил олди. Ҳарбий кафедрада ҳам илғорликни қўлдан бермади. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги ва 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган тош кўтариш мусобақасида Сардорга тенг келадигани топилмади. У ғолиблик шоҳсупасининг энг баландига кўтарилди.

— Сардор Тўлаганов ўқув-машғулотларида, дарс жараёнларида яхши натижалар кўрсатиб, доим ўрнак бўлиб келган, — дейди Тошкент автомобиль йўллар институти қошидаги ҳарбий кафедра бошлиғи, подполковник Баҳодир Бобоев. — Ҳар бир ҳаракати аниқ бу йигитдан ҳақиқий ватан ҳимоячиси чиқишига ишонамиз.

Дарвоқе, табиатан оғир, босиқ аммо мулоҳаза билан фикр юритадиган қаҳрамонимиз ўтган ўқув йилида Тошкент шаҳри касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг степендианти бўлди.

Ҳозирда у мазкур олий даргоҳнинг 4-босқич талабаси. Ўқишни тамомлаб, беғубор болаликда кўнглига туккан орзуси ҳарбий бўлиш йўлида бор куч ва имкониятини ишга солиб, юксак чўққиларни забт этиш ниятида. Юртимизда Сардордек йигитлар бор экан, Ватанимиз келажаги ҳар томонлама ишончли қўлларда.

**Гулноза ТОШТЕМИРОВА**

Хоразм Вилояти

**Вилоят ҳокимлигида "Тошсоқа тизими магистрал суғориш каналларини қайта тиклаш" лойиҳаси тақдимотига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг 2012 йил 6 ноябрдаги "Ислом тараққиёт банки иштирокида "Хоразм вилоятида Тошсоқа тизими магистрал суғориш каналларини қайта тиклаш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлашга, лойиҳани бажаришдаги муҳим вазифаларга диққат қаратилди.**

## 100 МИНГ ГЕКТАР МАЙДОННИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ ЯХШИЛАНАДИ

Вилоят ҳокими П.Бобожонов бошқарган йиғилишда туманлар ҳокимлари, вилоятдаги алоқадор бошқармаларнинг бошлиқлари, сув тизими мутахассислари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари, сув хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Ш.Ҳамроев, "Ўздавсувлойиҳа" МЧЖ раҳбари М.Нажимовлар йиғилишда сўзга чиқиб, лойиҳани амалга ошириш учун тузилган ишчи гуруҳи аъзолари ва сув тизими ташкилотларининг раҳбарлари, мутахассислар олдида турган вазифаларга, лойиҳа асосида қилинадиган ишларнинг аҳамиятига тўхталдилар. Таъкидландики, Президентимизнинг қарорига асосан Тошсоқа тизимидаги магистрал каналлар реконструкция лойиҳасини 144,2 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция маблағи ҳисобидан амалга ошириш режалаштирилган. Бу улкан ишлар 4 йил муддатга режалаштирилган бўлиб, шу туфайли вилоятда 192 минг гектар экин майдонларига сув етказиб бериш яхшиланади. Шу билан бирга, 62,5 минг гектар экин майдонига ўз оқими билан сув етказиб бериш таъминланиб, магистрал каналларда сув чиқариш учун ишлатилаётган 304 дона электр насосининг иши қисқартирилади. Бунинг натижасида йилига ушбу электр насослари учун сарфланаётган 87,5 миллион кВт электр энергияси тежалади. 83 километр узунликдаги магистрал каналлар ҳамда хўжаликлараро каналлар реконструкция қилинади. Тошсоқа, Шовот ва Полвон-Ғозовот каналларида сув тўсувчи ва сув сатҳини кўтарувчи 9 та иншоот қурилади.

Лойиҳа амалга оширилиши натижасида 191,3 минг гектар майдонда сув таъминоти яхшиланади. Ҳар йили 700-860 миллион метр куб сув иқтисод қилинади. Каналлардан фильтрация камайиши натижасида ер ости сувлари сатҳи пасайиб, 100 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# МАРД ЛОЧИНЛАР ЧИҚАР БУ МАСКАНДАН

(Боши 1-саҳифада)

Билим юртимиз ўқитувчи ва мураббийлари давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондонининг бу эзгу мақсадини тўла тушунган ҳолда ўз фаолиятларининг дастлабки кунларидан бошлаб изланувчанлик, талабчанлик билан ўқитиш-ўргатиш ишларига киришди. Билим юртимиз моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилди. Бугун муҳташам ва ҳашаматли ўқув биноси, кенг ва ёруғ ўқув хоналари, минглаб китоб жамғармаси бўлган ахборот-ресурс маркази, замонавий техника воситалари билан таъминланган амалиёт майдонлари, кафедралар, авиация мутахассислари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курси хоналари курсантлар ихтиёрида. Ўқув биноларининг барчаси замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Хуллас, бугун халқаро талабларга жавоб беради оладиган зобитлар тайёрлаш салоҳиятига эгамиз.

Ҳа, моҳир педагогнинг ғурур билан эътироф этганидек, билим юрти айни пайтда ҳар томонлама замон талабига жавоб бера оладиган жанговар ҳарбий касб кошоналаридан бирига айланди. Ушбу кошонада ҳар йили кўплаб Ватан осмони ва бунёдкор халқини ишончли ҳимоя қиладиган ҳарбий мутахассислар камол топаётир.

— Билим юртимиз керакли спорт анжом ва ашёлари билан жиҳозланган. Футбол, волейбол, теннис, қўл тўпи, авиамоделчилик, қўл жанги, енгил атлетика ва бошқа спорт турлари бўйича тўгараклар ишлаб турибди. Курсантларимизнинг спорт маҳоратлари анча юқори, ҳатто, республика миқёсида танилган спортчиларимиз ҳам кўпчиликни ташкил этади, — дейди билим юрти бошлиғининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Фарҳод Мамажонов. — Бундан кўриниб турибдики, уларнинг аксарияти жисмонан чиниққан жасур йигитлар. Ҳарбий мутахассис ва зобитлар нафақат жисмонан, балки маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳам етук-баркамол бўлишлари керак. Шу боис, билим юртида курсантларнинг таълим-тарбия ишларида уларнинг маънавий билим ва тафаккурларини юксалтиришга, фикрлаш ва дунёқарашларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратаётирмиз. Бу борада ўқитувчилар курсантлар билан маънавий-маърифий йўналишдаги машғулотларини ташкил этишаркан, Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» ва «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоблари бўйича ўтказган семинар, конференция ва мулоқотлар курсантларда ниҳоятда катта қизиқиш уйғотиш билан бирга, тарихий, маънавий қадриятларимиз ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириб, миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғуларини юксалтирмоқда. Эл тинчлиги ва осойишталигини сақлаш ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи эканини теранроқ англатаяпти. Уларнинг бундай фазилатларини янада кенг ва чуқур шакллантиришда вилоятнинг тарихий жойлари ва обидаларга саёҳатлар уюштириш, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда билим юртини битказиб, айни пайтда Ватан ҳимоячилари сафларида хизмат қилаётган собиқ курсантларимиз билан учрашувлар ташкил этишимиз ҳам ижобий самара бермоқда.

Суҳбатларимиздан маълум бўляптики, ушбу касб кошонасидан парвоз қилаётган лочинлар эл-юртига содиқ, юксак интеллектуал фазилатли етук мутахассислар бўлиб ҳаётга йўлланма олишяпти. Шунинг учун ҳам билим юрти мамлакатимиздагина эмас, балки, бутун Марказий Осиёда ҳавас қилгулик ўқув масканига айланган.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

## ОҚҚИШЛОҚДА САВДО МАРКАЗИ

**Деҳқонобод туманининг Бешқўтон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Оққишлоқ қишлоғида барча қулайликларга эга савдо мажмуаси ишга тушди.**

Тадбиркор Нуржаҳон Қорақулова раҳбарлик қилаётган "Афросиёб Янгибоев" хусусий корхонаси томонидан бунёд этилган замонавий кўринишдаги ушбу мажмуа қурилишига 350 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бу билан мажмуада 10 та янги иш ўрни яратилди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

# ПАССИВ ҚУЁШ ИССИҚХОНАЛАРИ ИСТИҚБОЛИ

## УЛАР РЕСУРСТЕЖАМКОР БЎЛИБ, ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИ ДАСТУРХОНИ ТЎКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларининг жадал ривожланиши ёқилғи энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг ортишига олиб келмоқда. Бу жараёнда табиий ресурсларни тежаш, ўз ўрнида ишлаб чиқаришга энергиятежамкорлиги жиҳатидан самарали технологияларни жорий этиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Яъни, гап муқобил энергия хусусида кетмоқда. Ана шундай қайта тикланувчи энергия манбаларидан бири – қуёш нурларидир.**

Юртимизда йилнинг 300 кундан ошиқроғи қуёшли ҳисобланади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, йил давомида ўлкамизга тушадиган ва биргина техник жиҳатдан ўзлаштириш мумкин бўлган қуёш нурларининг имконияти мамлакат йиллик энергия истеъмол талабидан тўрт баробар кўпроқдир. Шунинг учун босқичма-босқич қуёш энергиясидан фойдаланишни иқтисодиётнинг турли йўналишлари, айниқса, қишлоқ хўжалигига жорий этиш аҳамиятлидир.

Жумладан, мутахассислар иқлим шароитимиздан келиб чиққан ҳолда, пассив қуёш иссиқхоналар қуришни энг самарали услуб сифатида таклиф этишмоқда. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, иссиқхона кундузи ўсимлик фотосинтези учун керакли миқдордаги қуёш нурларини қабул қилади. Кеч кирганда эса арка услубидаги том усти ҳаракатланувчи махсус қурилма ёрдамида "кўрпа" билан ёпилади. "Кўрпа" кундузи йиғилган иссиқликни сақлаш имконини беради ва иссиқхона сабзавотлар учун зарур микроиқлимга эга бўлади. Бундай иссиқхоналарнинг қурилмаси кўпчилик тажрибали деҳқонларга таниш ва оддий бўлиб, баъзилар учун, ҳатто, жуда содда туюлиши ҳам мумкин. Аммо у самарали, энергиятежамкор, хавфсиз, шунингдек, экологик тозадир.

Келинг, шу ўринда иссиқхона конструкцияси билан танишиб ўтсак. Иссиқхонанинг уч томони лой девордан тикланади. Айнан шу омил иссиқлик йўқотилишини камайтиради. Қуёш энергиясидан имкон қадар самарали фойдаланиш мақсадида иссиқхона қурилишида қиш ва куз пайтидаги қуёшнинг ҳаракатланиш траекторияси ҳам ҳисобга олинади. Ана шу каби омиллар ҳаво ҳарорати ноль даража бўлганда ҳам, ички, яъни ёқилғи ёрдамида ситиш тизими (печка)ни ишга туширмаган ҳолда, фақатгина қуёш нури ҳисобига иссиқхонада ўсимлик учун зарур бўлган микроиқлимни сақлаш имконини беради. Бундай услубдаги иссиқхоналарнинг самарадорлиги исботланган бўлиб, Хитойда уларнинг майдони 700 минг гектарни ташкил қилади.

Мамлакатимизда ҳам бу жараёнда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бундан бир неча йил олдин кўплаб тадбиркорлар Хитойда бўлишиб, тажриба билан яқиндан танишишган эди. Уни амалиётга қўллаган кўплаб ишбилармонлар, оилавий тадбиркорлар хусусида газетамизда мақолалар ҳам берганмиз. Яқинда эса бу борадаги яна бир лойиҳа билан танишдик.

"Ўзбекистонда энергиятежамкор иссиқхоналар апробацияси ва адаптацияси" деб номланган ушбу лойиҳа ташаббускори Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси бўлиб, у БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистон бизнес форуми" ва Глобал экологик фондининг кичик грантлар дастури ёрдамида амалга оширилмоқда.

Икки йилга мўлжалланган лойиҳа доирасида айни пайтда етти жойда иссиқхоналарнинг дастлабки тажриба намуналарини қуриш ишлари бошлаб юборилган. Шу мақсадда хўжаликлар танлов асосида танлаб олинган бўлиб, қурувчи ва энергиятежамкор технологияларни қўллаш бўйича мутахассислар ҳамда агрономлар тадбиркорларга зарур маслаҳатларни бериб боради. Шунингдек, пассив қуёш иссиқхоналарини қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича қўлланма ҳам яратилади. Унга агроном ҳамда фермерларнинг ўз таклиф ва мулоҳазалари ҳам киритилиб, барча фермерларга, қишлоқ аҳолисига тарқатилади.

Ушбу лойиҳани истиқболли деб аташ мумкин. Зеро, юртимизда бунинг учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Президентимиз томонидан ўтган йилнинг 22 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида ер ва сув ресурсларини тежайдиган самарали технологияларни амалиётга кенг татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилган. Фармонга мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон Фермерлар кенгаши фермерларга ана шу жараёнда кўплаб янги имкониятлар беришга кўмаклашади. Жумладан, сувни тежаш мақсадида тежамкор технологияларни жорий этишда қатор имтиёзлар, қулайликлар яратилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги аксарият иссиқхоналар асосан газ, кўмир баъзи жойларда эса ўтин ёқиш йўли билан иситилиши маълум. Шу жиҳатдан ҳам иссиқхоналарда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш истиқболлидир. Демакки, бундай иссиқхоналарнинг кўпайиши оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш, эл дастурхонининг доимо тўкин бўлишига хизмат қилажак.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ТАИЛАНД ГУРУЧ БОЗОРИДАГИ 30 ЙИЛЛИК ЕТАКЧИЛИК МАВҚЕИНИ БОЙ БЕРДИ

**Таиланд 1980 йилдан буён давом этиб келаётган энг йирик гуруч экспорт қилувчи мамлакат сифатидаги мавқеини 2012 йилда бой берди. Бунга ҳосил камайиши эмас, мамлакат ҳукуматининг давлат харидлари борасида олиб борган сиёсати сабаб бўлди.**

2012 йилда Ҳиндистон 9,5 миллион тонна, Вьетнам 7,8 миллион тонна, Таиланд эса 6,9 миллион тонна гуруч экспорт қилган. Таиландда гуруч экспорти ҳажми жами 35 фоизга қисқариб, 30 йилдан ортиқроқ давом этган жаҳон гуруч бозоридаги пешқадамлиги барҳам топган.

Таиландда йилига 20 миллион тонна гуруч етиштирилади. Маҳсулотнинг тенг ярми экспорт қилинади. Ўтган йил бошида Инглук Синаватра бошчилигидаги Таиланд ҳукумати гуручга бўлган давлат харидлари сиёсатини ўзгартиришини маълум қилди. Таиландлик гуруч етиштирувчи фермерлардан маҳсулот жаҳон бозоридан 50 фоиз юқорироқ нархда сотиб олинди. Фермерлар бундан беҳад мамнун бўлгани шубҳасиз. Аммо ўз ўрнида жаҳон бозорида Таиланд гуручининг нархи ҳам қимматлашиб, рақобатга дош беролмади. Маҳсулот сотилмай қолиб кетди. Натижада бугунги кунга келиб, давлат гуруч захиралари миқдори 13 миллион тоннага етди. Мутахассислар аҳвол шу зайлда давом этса, 2013 йилнинг учинчи чорагига бориб, омборларда йиғилиб қолган гуруч захиралари миқдори 20 миллион тоннадан ошиб кетишини айтишмоқда. Гуручни сақлаш бўйича инфратузилма эса ундан ортиғига мўлжалланмаган.

Инглук Синаватра бошчилигидаги Таиланд ҳукумати эса барчани гуручнинг мақбул нархда сотилишига ишонтирмоқда.

# ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ПАРОМИ

## ҳалокатга учради

**Чоршанба куни Нью-Йоркда йўловчиларни олиб кетаётган паром билан содир бўлган ҳалокат туфайли етмиш тўрт киши жабрланган. Полиция вакилларининг айтишича, икки кишининг аҳволи оғир деб баҳоланмоқда.**

321 кишини Нью-Жерсидан Нью-Йоркка олиб кетаётган «Систрик» (Seastreak) паромси шаҳарнинг машҳур марказий кўчаларидан бири Уолл Стрит яқинидаги Манхэттен ҳудудида жойлашган бандаргоҳлардан бирига урилган.

Гувоҳларнинг сўзларига кўра, паром Нью-Йоркнинг молиявий маркази бўлган Уолл-стрит яқинида жойлашган бандаргоҳга катта тезликда урилиши натижасида кемада катта тешик пайдо бўлган. Айни пайтда кема қирғоққа боғланиб, маҳкамланган ҳолда турибди.

Маълумотларга кўра, ушбу паром билан олдин ҳам қирғоққа келиб тўхташ борасида муаммолар бўлган. Шундай бўлса-да, фавқулодда воқеанинг аниқ сабаблари аниқлангани йўқ. Баъзи маълумотларга кўра, ҳалокат юз беришидан олдин паром сувда қалқиб турувчи белгига урилган, бу техник носозликларга олиб келган бўлиши мумкин. Паром капитани ва экипаж аъзолари бу борада ОАВ вакиллари билан мулоқот қилишдан бош тортган. Шунингдек, уларнинг барчаси алкоголь ичимлик истеъмол қилгани бўйича ўтказилган тестдан муваффақиятли ўтган. Яъни, ҳалокат вақтида барча экипаж аъзолари ҳушёр бўлган.

# ХЎРАНДАЛАР УЧУН

## 1,8 миллион долларлик балиқ

**Японияниг Токио шаҳридаги Цукудзи балиқ бозорида 2013 йилнинг дастлабки аукцион савдолари ўтказилди. Савдолар давомида харид бўйича рекорд нарх қайд этилди. Оғирлиги 222 килограммни ташкил қилган атлантика тунеци (йиртқич балиқ тури) 155,4 миллион япон йени (1,8 миллион АҚШ доллари)га сотилди.**

Балиқни Японияда ресторанлар тармоғи хўжайини Кийоси Кимура сотиб олган. Унинг айтишича, балиқ қутилганидан анча қимматга тушган, аммо у хўрандаларнинг энг мазали тунец балиғини татиб кўриш борасидаги тилагини бажо келтириш учун харидни амалга оширган. У ўзига тегишли ресторанларда ушбу балиқнинг бир порциясини 398 йен (5 АҚШ доллари)дан пуллашни кўзламоқда. Балиқ учун тўланган ҳақ ҳисобга олинганда эса аслида бир порция хўрандаларга 325 АҚШ долларига тушиши керак эди.

Японлар тунец балиғини жуда хуш кўришади. Жаҳон бозоридаги тунец балиғи истеъмолининг тўртдан уч қисми мазкур мамлакат ҳисобига тўғри келади. Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг маълум қилишича, тунец балиғи йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган денгиз жонзотлари туридан бири ҳисобланади. Аммо уни овлаш ва савдо қилишга бўлган тақиқни ўрнатиш имкони бўлмаяпти. Бунга асосан Япония тўсқинлик қилмоқда.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

○ **Эълонлар**

*ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!*

# ИНЖИНИРИНГОВАЯ КОМПАНИЯ «СЛУЖБА ЕДИНОГО ЗАКАЗЧИКА» ПРИ ХОКИМИЯТЕ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТАМ, ВКЛЮЧЕННЫХ В АДРЕСНУЮ ПРОГРАММУ НА 2013 ГОД:

**ЛОТ-18**

**Лот 18-1. "Капитальная реконструкция школы № 38 на 660 учащихся с пристройкой нового учебного блока на 210 ученических мест в городе Бухаре Бухарской области".**

Стартовая цена заказчика **с НДС — 931 900 000 сум.**

Стартовая цена заказчика **без НДС — 776 580 000 сум.**

Срок завершения строительства: **1 августа 2013 года.**

**Лот 18-2. "Капитальный ремонт школы № 27 на 560 учащихся в Шафирканском районе Бухарской области"**

Стартовая цена заказчика **с НДС — 369 085 700 сум.**

Стартовая цена заказчика **без НДС — 307 571 400 сум.**

Срок завершения строительства: **1 июля 2013 года.**

**Лот 18-3. "Капитальная реконструкция школы № 26 на 320 учащихся с новым учебным блоком на 120 учащихся и блок спортзала с размером 12х24м на территории КФЙ "Тезгузар" Шафирканского района Бухарской области"**

Стартовая цена заказчика **с НДС — 845 150 000 сум.**

Стартовая цена заказчика **без НДС — 704 292 000 сум.**

Срок завершения строительства: **1 августа 2013 года.**

**ЛОТ-19**

**Лот 19-1. "Детская школа музыки и искусства № 6 тип II (на 150 посещений) в КФЙ "Ниез-Хожи" Каганского района"**

Стартовая цена заказчика **с НДС — 2 500 000 000 сум.**

Стартовая цена заказчика **без НДС — 2 083 333 400 сум.**

Срок завершения строительства: **1 августа 2013 года.**

**ЛОТ-20**

**Лот 20-1. "Пристройка спортзала размером 18х42м к школе-интернату № 7 в Алатском районе Бухарской области"**

Стартовая цена заказчика **с НДС — 1 350 000 000 сум.**

Стартовая цена заказчика **без НДС — 1 125 000 000 сум.**

Срок завершения строительства: **1 августа 2013 года.**

**Лот 20-2. "Пристройка спортзала размером 12х24м к школе № 17 в Вабкентском районе Бухарской области"**

Стартовая цена заказчика **с НДС — 370 000 000 сум.**

Стартовая цена заказчика **без НДС — 308 333 400 сум.**

Срок завершения строительства: **1 июля 2013 года.**

*По объектам строительства и реконструкции со стартовой стоимостью до 500,0 млн.сум конкурсные торги проводятся исключительно среди субъектов малого бизнеса.*

*Размер квот для субъектов малого бизнеса по объектам капитального и текущего ремонта жилых и нежилых зданий составляет 100%.*

**Финансирование будет осуществляться** за счет средств Внебюджетного фонда реконструкции, капитального ремонта и оснащения образовательных и медицинских учреждений и Фонда развития детского спорта.

**Организатор конкурсных торгов** – Бухарский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве.

**Заказчик:** Инжиниринговая компания "Служба единого заказчика" при хокимияте Бухарской области.

**Адрес заказчика:** г. Бухара, проспект Навои, 5 дом. Телефон/факс: (8-365) 223-63-23.

**Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям:** иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в конкурсных торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору конкурсных торгов по адресу:

г. Бухара, проспект Навои, 5 дом, 2-этаж, 18-кабинет. Телефон/факс: (8-365) 223-96-29, 223-97-51.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации – Сто тысяч сум.

Оферты принимаются организатором конкурсных торгов по вышеуказанному адресу.

Крайний срок представления оферт организатору конкурсных торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится по истечении 30 дней после публикации объявления по адресу: г. Бухара, проспект Навои, 5 дом, 2-этаж, 18-кабинет.

*ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!*

# ИКСЕЗ ТАШОБЛХОКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ ПОВТОРНЫЕ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТУ:

**«Капитальный ремонт профессионального колледжа транспорта и экономики Юкоричирчикского района Ташкентской области».**

Стартовая стоимость с НДС – **500 000 000 сум**

Стартовая стоимость без НДС – **416 666 666 сум**

Срок строительства – **5 мес.**

**ВНИМАНИЕ!** *Отбор подрядной организации для выполнения работ по строительству и реконструкции объектов со стоимостью до 500 млн.сум и капитального ремонта финансируемых за счёт средств государственного бюджета и иных централизованных источников, осуществляется исключительно среди субъектов малого бизнеса.*

**Финансирование проекта будет осуществляться за счет** внебюджетного фонда реконструкции, капитального ремонта и оснащения образовательных и медицинских учреждений.

**Организатор торгов:** Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

**Организатор торгов:** Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

**Заказчик:** Инжиниринговая компания службы единого заказчика Ташкентского областного хокимията.

**Адрес заказчика:** г.Ташкент, проспект А.Темура 17. **Тел:** 236-06-95.

**К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования:** наличие оборотных средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ(услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г.Ташкент, ул. Навои дом 18. 308/311 комнаты. Телефон(факс): 241-15-26, 241-15-32.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации – **150 000 (сто пятьдесят тысяч) сум.**

Последний срок представления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г.Ташкент, проспект А.Темура 19.

Вскрытия оферт состоится по истечении 30 дней после публикации объявления.

Хоразм Вилояти

**Урганч давлат университетининг филология ва санъат факультетида атоқли адабиётшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Натан Маллаев таваллудининг 90 йиллигига бағишланган илмий-адабий кеча бўлиб ўтди. Унда филолог олимлар, адабиётшунослар, талаба ёшлар иштирок этди.**

# Хотира кечаси

Олим қирқ йиллик ижодий фаолияти давомида ўнлаб монографиялар яратган, йигирмадан ортиқ китоб, дарслик, дастур, қўлланма ва илмий тўпламларга муҳаррирлик қилган. Навоийнинг кўп жилдлик асарларини нашр эттиришда, 20 дан ортиқ номзодлик ва бир неча докторлик диссертацияларига раҳбарлик қилган. Унинг муаллифлигидаги "Ўзбек адабиёти тарихи" китоби адабиётимизни ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

— Устоз илм аҳлининг меҳрибон дўсти, беғараз устози эди, — дейди филология фанлари доктори, профессор Ҳамдам Абдуллаев. — Ўзбек адабиётшунослиги ривожига катта ҳисса қўшган олим Натан Маллаевнинг қолдирган адабий мероси, унинг номини абадийликка муҳрлади.

**Манзура ПИРНАЗАРОВА,**
**Урганч давлат университети Ўзбек адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди.**

Бухоро вилояти

# КАТТА СПОРТ БАЙРАМИГА ҳозирлик

**Маълумки, олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказиладиган "Универсиада" баҳсларига бу йил Бухоро вилояти мезбонлик қилади. Шу муносабат билан вилоятда катта спорт байрамига қизғин тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.**

Белгиланган тадбирларга кўра, мусобақанинг очилиш ва ёпилиш маросимлари ҳамда енгил атлетика беллашувлари "Бухоро" спорт мажмуасида ўтказилади. Бу муҳташам иншоот ўтган йилнинг бошида капитал таъмирланган эди. Ёшлар спорт байрамининг юқори савияда ўтишини таъминлаш мақсадида мажмуада катта ҳажмли электрон табло, замонавий ёритгичлар ўрнатиш, югуриш йўлакларидаги махсус резина қопламаларни янгилаш, мажмуа атрофини қайта асфальтлаш, автоуловлар турар-жойларини таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, вилоят марказидаги "Хумо" ва "Дилкушо" теннис мажмуалари, Бухоро олимпия захиралари коллежининг спорт зали, "Семурғ" спорт мажмуаси, "Динамо" спорт зали, Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти очиқ спорт мажмуаси "Универсиада" мусобақаларига мезбонлик қилиш учун шай ҳолатга келтирилди. Жумладан, Бухоро давлат университетида 18х36 метр ўлчамдаги янги спорт зали қурилмоқда. Унинг ёнидаги футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдонларидан иборат мажмуа капитал таъмирланиши билан бу ҳудуд ўзига хос спорт марказига айланади.

Мусобақа иштирокчилари турар-жойи учун юқорида тилга олинган иккита олий ўқув юрти ҳамда Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежининг жами 2490 ўринли 9 та талабалар турар-жой биноларида ҳам таъмирлаш ишлари қизғин боряпти. Қатнашчиларнинг овқатланиши ва дам олишини ташкил этиш билан боғлиқ объектларда ҳам ишлар қизғин.

Бундан ташқари, "Универсиада" муносабати билан ободонлаштириш ишлари кўлами ҳам кенгайди. "Бухоро" халқаро аэропорти ва Когон шаҳридан вилоят марказига келадиган йўллар ва ўндан зиёд кўчалар тартибга келтирилади. Бино ва иншоотлар янада замонавий қиёфада таъмирланади. Шаҳар марказий кўчаларидан ўтувчи умумий узунлиги 20,5 километрдан иборат автомобиль йўллари ҳам таъмирланади. Хиёбон ва қадимий шаҳардаги тарихий обидаларда ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, янада чирой очади.

Вилоятда ўтадиган "Универсиада" баҳсларига бухоролик ёшлар ҳам қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Улар орасида мамлакатимиз шарафини халқаро мусобақаларда муваффақиятли ҳимоя қилиб келаётган ёш спортчилар ҳам бор. Эътиборлиси, уларнинг кўпчилиги аввалги "Универсиада" беллашувларида ўз маҳоратини оширган. Бинобарин, мазкур мусобақалардан кўзланган мақсад ҳам ёшлар орасидан янги номларни кашф этиш, уларни янада чиниқтириб, маҳорат ва тажрибасини оширишдир. Масалан, 2002 йилги "Универсиада"да курашчилар Шуҳрат Хўжаев, Рамзиддин Саидов, футбол бўйича мамлакат миллий терма жамоаси аъзоси Улуғбек Бақоев, дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон Олимпиадалари бронза медаллари совриндори Ришод Собиров кашф этилган эди.

"Умид ниҳоллари" ва "Баркамол авлод" мусобақаларида тобланиб, катта спортга йўлланма олган уларнинг издошлари навбатдаги "Универсиада"да бу анъанани муносиб давом эттиришига ишончимиз комил.

Бухорода кучли дзюдо мактаби ҳам шаклланган. Бош мураббий Рустам Тўраевнинг айтишича, мамлакат чемпионатлари ва халқаро мусобақаларда чиниққан Руфат Раҳматуллаев, Ҳайит Темиров, Очил Ҳусанов, Миржон Тўхтаев каби спортчи ёшлардан ташкил топган жамоа кучлилар сафидан ўрин олиш учун астойдил шуғулланмоқда. Тайёргарлик жараёнида уларга дунёга машҳур бир неча полвонлар тарбияланган Олот туманидаги 7-олимпия ихтисослаштирилган спорт мактаб-интернатининг тажрибали мураббийлари яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Бухоролик талаба ёшлар "Универсиада" мусобақалари дастуридаги 12 спорт турининг барчасида совринли ўринлар учун кураш олиб бориши шубҳасиз.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

▼ "УНИВЕРСИАДА-2013"

▼ ТЕННИС

## ДЕНИС ВЕРДАСКОНИ МАҒЛУБ ЭТИБ, ЯРИМ ФИНАЛ ОСТОНАСИДА ТЎХТАДИ

**Денис Истомин Австралияда ўтказилаётган "Aria International Sydney" мусобақасининг иккинчи даврасида кучли рақиби устидан ғалаба қозониб, чорак финалга чиқди. Аммо ушбу босқичда мағлуб бўлиб, кетма-кет иккинчи бор мусобақанинг ярим финал босқичи остонасида тўхтади.**

АТР рейтингида 46-ўринни эгаллаб турган Истомин турнирнинг иккинчи босқичида мусобақанинг тўртинчи саватида саралланган, АТР рейтингида 24-ўринни эгаллаб турган Фернандо Вердаскони 2 сет якунига кўра мағлуб этди. Ҳар иккала сетда ҳам Денис испаниялик рақибидан бир хил 6:3 ҳисобида устун келди.

Денис Истомин 2012 йил Лондонда бўлиб ўтган олимпиадада ҳам айнан Вердаско устидан зафар қучганди.

Кейинги учрашувда ҳамюртимиз мусобақанинг ярим финалига чиқиш учун АТР рейтингида 36-ўринни эгаллаб турган Жанубий Африка вакили Кевин Андерсон билан баҳс олиб борди. Баҳс африкалик теннисчи фойдасига ҳал бўлди. Энди Денис Истомин кейинги ҳафтада Австралиянинг Мельбурн шаҳрида бошланадиган "Катта дубулға" турнирига кирувчи турнирларнинг ушбу мавсумдаги дастлабкиси — "Australian Open" да иштирок этиш учун тадорик кўра бошлайди.

▼ ПАУЭРЛИФТИНГ

## ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДАН 35 ТА МЕДАЛЬ, 26 ТА РЕКОРД

**Пауэрлифтинг бўйича мамлакатимиз терма жамоаси Ҳиндистоннинг Коимбатре шаҳрида ўтказилган классик пауэрлифтинг бўйича Осиё чемпионатида қатнашиб, жами 35 та медални қўлга киритишга муваффақ бўлди. Уларнинг 26 таси олтин. Қайд этилган рекорд натижалар ҳам шунча.**



Ҳамюртларимиз орасидан энг катта муваффақиятга Олмалиқ шаҳрининг "Металлург" спорт клуби вакиллари эришди. Жумладан, ушбу клуб тарбияланувчилари бўлган Вячеслав Марцев, Дмитрий Колотвинов, Павел Коршунов ва Рамил Сирожиддинов ҳиссасига 16 та олтин медаль тўғри келди.

Халқаро ареналарда юртимиз пауэрлифтингчиларининг мавқеи анча баланд. Шу сабабдан Ўзбекистон ушбу спорт тури бўйича ўтказиладиган кейинги Осиё чемпионатига мезбонлик қилиш учун асосий даъвогарлардан бири бўлиб турибди.

## ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИНИ ЎТКАЗИШ УЧУН ДАЪВОГАР ШАҲАРЛАР

**2020 йилда бўладиган ёзги Олимпиада ўйинларига мезбонлик қилиш учун Истанбул, Мадрид ва Токио шаҳарлари Халқаро Олимпия қўмитасига ариза топширди. Ҳужжатларда мусобақалар қаерда ўтказилиши, бюджет, хавфсизлик, меҳмонхоналар ва бошқа жиҳатлар ҳақида батафсил маълумот берилган.**

Халқаро Олимпия қўмитасининг махсус комиссияси шароитни ўрганиш учун март ойида даъвогар учта шаҳарга сафар қилади.

Қароргоҳи Швейцариянинг Лозанна шаҳрида жойлашган Халқаро Олимпия қўмитаси 2020 йилги Олимпиадага қайси шаҳар мезбон бўлишини жорий йил 7 сентябрь куни Буэнос Айрес шаҳрида яширин овоз бериш орқали аниқлайди. Сўнгги ёзги Олимпиада ўйинларига 2012 йилда Лондон шаҳри мезбонлик қилган эди.

2016 йилги Олимпиада эса Рио де Жанейро шаҳрида бўлиб ўтади.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

Тошкент давлат аграр университети жамоаси "Зоотехния" кафедраси ассистенти Улуғхўжа Хўжаевга волидаи муҳтарамаси **НАРЗИНИСО ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

○ Реклама ва эълонлар

*Барча турдаги корхона ва ташкилотлар диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**ЛОТ 9-5:**

**Лот-1 Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги "Озёрный" магистрал коллекторини реконструкция қилиш (IV босқич);**

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **2 600 643 049 сўм;** ишларнинг тугалланиш муддати **18 ой.**

**Лот-2 Сурхондарё вилояти Бойсун тумани "Янги ҳаёт" СИУ ҳудудида коллекторлар қуриш;**

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **297 707 595 сўм**; ишларнинг тугалланиш муддати **8 ой.**

**Лот-3 Сурхондарё вилояти Денов тумани "Наврўз" СИУ ҳудудида коллекторлар қуриш;**

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **274 029 199 сўм**; ишларнинг тугалланиш муддати **10,5 ой.**

**Лот-4 Сурхондарё вилояти Қизириқ туманидаги "К-2Б" хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш;**

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **771 900 683 сўм**; ишларнинг тугалланиш муддати **11 ой.**

**Лот-5 Тошкент вилояти Чиноз туманидаги "Чимичкўл" хўжаликлараро коллекторини иншоотлар билан реконструкция қилиш ва қуриш;**

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **163 621 143 сўм**; ишларнинг тугалланиш муддати **4 ой.**

***Диққат!*** *Қиймати 500 000 000,0 сўмгача бўлган объектлар бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.*

**Қурилиш ишларини молиялаштириш** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.

**Буюртмачи манзили:** Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 29-уй. Тел: 239-15-56.

**Савдо ташкилотчиси:** Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотларининг танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси – **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг марказиг**а қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:

Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 18-уй, 308-311 хоналар тел: 241-15-26, 241-15-32, факс: 241-15-37.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 150 000 (бир юз эллик минг) сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари, эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 15 кундан сўнг юқоридаги манзилда ўтказилади.

*Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ 13-СОН ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАРНИНГ БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТНИ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманида насослар ёрдамида суғориладиган майдонларни ўзи оқар сув таъминотига ўтказиш учун "Боботоғ" каналидан сув олувчи канал қурилиши ва реконструкция қилиш.**

Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — **3094,440 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 2578,700 млн. сўм,** қурилиш муддати – **420 кун.**

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 13-сон Қурилаётган корхоналарнинг бирлашган дирекцияси. Манзили: Термиз шаҳри Малик Қаҳҳор кўчаси 10-уй. Тел. 222-70-83, 222-75-29, 222-70-83 ф.

**Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** — Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

**Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади:** танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Давлат бюджети ва бошқа марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича офёрталар баҳоланиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда, устунлик кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **"Даварҳитектқурилиш" қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказиг**а қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уй, Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — **150 минг сўм.**

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уйда ўтказилади.

**«DILING SAVDO» МЧЖ**

2012 йил 18 декабрь куни ўтказилган очиқ аукцион савдосида «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси балансидаги 2002 йилда и/ч «МАГНУС ИГЛ» русумли автотранспорт воситаси 19 700 000,0 сўмга сотилганлигини, шунингдек, «Suv xo'jalik sistemalarining ilmiy tekshiruv markazi» шуъба корхонаси балансидаги, бошланғич нархи — 20 441 700,0 сўм бўлган «Lacetti» русумли автотранспорт воситаси сотувчининг талабига биноан 2012 йил 31 декабрь кунги аукцион савдосидан олинганлигини маълум қилади.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Мирабадский р-н ул. Катта-Миробод д. 25 кв-ра 8, выданный Мирабадским БТИ на имя Файзиевой Сурийи Фарадиевны, считать недействительным.

ИП ООО "ELNUR AND RUSLAN TEXTILE" Янгиюльского р-на Ташкентской обл., сообщает об уменьшении Уставного фонда предприятия с 6 006 005,70 долларов США до 5 006 005,70 долларов США.

ООО "RRR-OSHYONI" Алмазарского р-на г. Ташкента, сообщает об уменьшении Уставного фонда с 15 740 000 сум до 3 200 000 сум. Тел.: 604-55-30.

ООО "KO'RKAM-FAYZ" (ИНН 204650497), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Фарход д. 8, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 10.01.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 176-64-60.

Тошкент ш. Чилонзор т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 08-000873, 15.04.2009 й.) рўйхатга олинган Тошкент ш. Чилонзор Буюм бозори 18-айвон 1-3 рақамли турғун савдо шохобчаси манзилида жойлашган "ISTIQLOL-FAYZ" ХК (ИНН 204485662) тугатилади (30.12.2012 й.даги 1-сонли қарор). Даъво ва аризалар 2 ой мобайнида қабул қилинади.

"AL-SAN-JAV" МЧЖнинг (ИНН 301080408) Устав фонди 100 475 984 сўмдан 5 550 000 сўм миқдоригача камайтирилади. Манзил: Юнус-Обод т. Деҳконобод кўч. 1а-уй.

Утерянную круглую печать ЧП "YUSUPOV BOXODIR DAMIR O'G'LI" (ИНН 486854796) зарегистрированного отделом регистрации субъектов предпринимательства хокимията Сергелийского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: Спутник 1, 30, 3, выданную разрешительным отделом Сергелийского РОВД, считать недействительной.

МЧЖ шаклидаги "XALQ SUG'URTA" Суғурта Компаниясига тегишли 0011495 рақамли суғурта полиси йўқолганлиги сабабли ноҳақиқий ҳисобланади. Ушбу полис бўйича Компания ҳеч қандай мажбурият олиб бормайди.

АГРОМАШ

**«АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ» МЧЖ ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ**

томонидан ғилдиракли универсал ҳайдов тракторларининг қуйидаги такомиллашган моделлари етказиб берилаётганлиги маълум қилинади:

двигатели газ асосида ишловчи
«Агромаш-85ТК» (85 от кучига эга);
двигатели дизель ёнилғисида ишловчи
«Агромаш-85ТК» (85 от кучига эга);
«Агромаш-60ТК» (60 от кучига эга).

Тошкент ш., Ниёзбек Йўли кўчаси, 1-уй. Тел.: + 998 71 120 96 00; Факс: +998 71 234 89 88;
E-mail: info@chetra-tashkent.ru Сайт: www.chetra-tashkent.ru

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 728-09-78; Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ
Мусаҳҳих: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-114, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 21.10 24660 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4 5